O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL
XO`JALIGI VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО СТРОИТЕЛЬСТВА
И ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО
ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

“QISHLOQQURILISHLOYIHA”

Bosh loyiha instituti
DAVLAT MUASSASASI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ
Головной проектный институт

100128, Toshkent sh. A.Qodiriy, 7. Tel: (+99871) 241-13-23, 241-64-82, e-mail:QQL.uz@exat.uz, info@qqloyiha.uz

«18» 11 2026 y.
№ 1468/01

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кегаши раиси
К.Н.Туляганова

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлигига

Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли қарори иловаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 3 февралдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5/8-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамотчилик кенгаши тўғрисида”ги низомга асосан белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш тўғрисидаги назорат-режаси бўйича 2026 йилнинг 3-чораги давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар иловага мувофиқ тақдим этилмоқда.

Илова: 5 варақда.

Бош директор **И.С. Ахмедов**

С.Сапаев
71-241-88-26

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори иловаси ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025-йил 3-февралдаги "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги 5/8-сон буйруғига асосан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисида"ги низомга асосан 2026 йил учун тасдиқланган НАЗОРАТ-РЕЖАда 2026 йил 3-чораги учун белгиланган топшириқлар буйича ижросини таъминлаш

№	Ҳужжат тури, банд тартиб рақами	Топшириқ мазмуни	Топшириқ муддати	Вазирлик ва идоралар номи (Низомга асосан)	Амалга оширилаётган ишлар
1	Низом 2-боб, 8-банд 1-хатбоши	Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, буйруқларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, вазирлик зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник ва шаҳарсозлик кенгашларида кўриб чиқиладиган соҳавий ҳамда ҳудудий ривожлантириш дастурлари муҳокамасида, ҳар ҳафта ўтказиладиган видеоселектор йиғилишлари, шунингдек, вазирлик ҳайъат йиғилишларида Жамоатчилик кенгаши раиси ва аъзоларининг иштироки таъминланиб, белгиланган вазифалар ижроси устидан жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда.
2	Низом	Биргаликда мулоқот қилиш, вазирликнинг нодавлат	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,**	Вазирлик фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек,

	2-боб, 8-банд 2-хатбоши	нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун вазирликни фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;		Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	жамоатчилик билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида ННТ, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда учрашувлар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, соҳага оид долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таклифларни инобатга олиш мақсадида ижтимоий тармоқлар ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти орқали сўровномалар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, вазирлик томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, дастурлар ва лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда. ННТ ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида ҳудудлардаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.
3	Низом 2-боб, 8-банд 3-хатбоши	Вазирликга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирликка нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилаётган ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар мунтазам равишда қабул қилиниб, тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилмоқда. Бунда лойиҳаларнинг мақсад ва вазифалари, ижтимоий аҳамияти, жамоатчилик манфаатларига мувофиқлиги, амалга ошириш имкониятлари ҳамда молиявий-иқтисодий асослари таҳлил қилиниб, тегишли баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида келиб тушган лойиҳаларнинг ягона рўйхати шакллантирилиб, уларни соҳалар кесимида амалиётга татбиқ этиш бўйича тегишли

					қарорлар қабул қилинмоқда. Шунингдек, истиқболли ва амалий аҳамиятга эга деб топилган лойиҳаларни давлат дастурлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш режаларига киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда тақдим этиб борилмоқда.
4	Низом 2-боб, 8-банд 4-хатбоши	Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолияти вазирлик Матбуот хизмати, «Ўзбекистон бунёдкори» газетаси, «Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши» журнали ҳамда расмий Telegram-каналлари орқали кенг ёритиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур ахборот майдонларида жамоатчилик томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўрганилиб, улар асосида жамоатчилик фикрини тизимли равишда мониторинг қилиш ишлари амалга оширилмоқда.
5	Низом 2-боб, 8-банд 5-хатбоши	Вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Вазирликда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда бу борада шаффофликни таъминлашга қаратилган тадбирларда Жамоатчилик кенгаши раиси, раис ўринбосари ва кенгаш аъзоларининг иштироки мунтазам таъминланиб, улар томонидан соҳани такомиллаштириш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдириб келинмоқда.
6	Низом 2-боб, 8-банд 6-хатбоши	Вазирлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ва кенг жамоатчиликка мунтазам равишда ахборот бериб борилмоқда. Хусусан, вазирлик

		имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш			томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда дастурлар, қабул қилинаётган қарорлар, шунингдек, жамоатчилик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар очиқ ахборот манбаларида мунтазам ёритиб борилмоқда.
7	Низом 2-боб, 8-банд 7-хатбоши	Вазирликнинг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш;	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирликнинг расмий веб-сайтида Жамоатчилик кенгаши фаолиятига оид ошкора эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, шунингдек, Кенгаш аъзолари томонидан билдирилган таклифлар ҳамда тайёрланган мақолалар мунтазам равишда жойлаштириб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш мақсадида уларни ҳар чоракда янгилаб бориш ишлари йўлга қўйилган.
8	Низом 2-боб, 8-банд 8-хатбоши	Вазирлик фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик фаолиятида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлашга қаратилган мавжуд механизмлар, жумладан, Жамоатчилик кенгаши фаолияти, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, очиқ муҳокамалар, ижтимоий сўровномалар ҳамда онлайн платформаларнинг самарадорлиги мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Ўрганишлар натижасида фуқароларнинг соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш ва жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, соҳавий ислоҳотлар юзасидан жамоатчилик фикрини доимий равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.
9	Низом 2-боб, 8-банд 9-хатбоши	Вазирлик фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,**	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятига оид

		ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;		Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	аҳоли ўртасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда вазирликнинг масъул ходимлари билан ҳамкорликда иштирок этилиб, мазкур тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдириб борилмоқда.
10	Низом 2-боб, 8-банд 10-хатбоши	Вазирлик ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларига Тошкент шаҳар, Бектемир туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивидан уй-жойлар олишган. Шунингдек, “Янги Тошкент” шаҳрида барпо этиладиган кўп қаватли уй-жойлардан вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари учун уй-жойларга талаб “Янги Тошкент” қурилиш дирекциясига тақдим этилган. Доимий равишда вазирлик ва унинг тизими ходимларининг уй-жой, ижтимоий-маиший хизмат шарт-шароитларини яхшилаш режалаштирилган.
11	Низом 3-боб, 22-банд 3-хатбоши	Жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш	Хар чоракда	**Жамоатчилик кенгаши,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Жамоатчилик кенгаши фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида кенгаш томонидан ўтказиладиган йиғилишлар, шунингдек, уларнинг кун тартибига киритилган муҳим масалалар тўғрисидаги маълумотлар вазирликнинг расмий веб-сайтида мунтазам равишда жойлаштириб борилмоқда.

“Qishloqqurilishloyiha” ДМ бош директори Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кегаши раиси ўринбосари **И.С.Ахмедов**